


ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ
ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН УЧРАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари Президенти, Абу-Даби амири Шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаённинг вафот этгани муносабати билан таъзия билдириш учун 15 май куни ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Абу-Даби шаҳридаги Президент мажмуасида давлатимиз раҳбари Бирлашган Араб Амирликларининг янги сайланган Президенти Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён билан учрашди.

Учрашув аввалида мамлакатимиз етакчиси Амирликлар Президенти ва дўст халқига Президент Халифа бин Зоид Ол Наҳаённинг бевақт вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди. Шайх Халифа мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва мустақамлашга улкан ҳисса қўшгани алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, Президентимиз Шайх Муҳаммад Ол Наҳаённи олий давлат лавозимига сайлангани билан табриклаб, келгуси фаолиятига катта муваффақиятлар тилади.

Етакчилар Ўзбекистон ва Амирликлар ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалаларини кўриб чиқдилар.

Давлатимиз раҳбари БАА ташқи ишлар вазири Абдулла бин Зоид Ол Наҳаён ҳамда Бош вазири ўринбосари, Президент ишлари бўйича вазири Мансур бин Зоид Ол Наҳаён билан ҳам учрашувлар ўтказди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЯНГИ ТИЗИМ — АМАЛДА

Биз янги Ўзбекистонни куриш йўлида олдимизга кучли демократик, илғор ривожланган давлатлар сафидан мустаҳкам ўрин эгаллашни мақсад қилиб қўйганмиз. Шу йўлдаги ислохотлар эса инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилгани билан ҳаётги аҳамият касб этади.

СИТУАЦИОН-ТАҲЛИЛИЙ
МАРКАЗ:илғор технологиялар фуқаролар
хавфсизлигини таъминлайди

Бу борада Ички ишлар вазирилик тизимида ҳам фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларга давлат хизматларини кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида замонавий ахборот-телекоммуникация технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Жумладан, ички ишлар органлари фаолиятига рақамли ва ахборот технологияларини жорий этиш, аҳолига электрон давлат хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш, бюрократик тўсиқ ва ғовларга йўл қўймаслик, идоралараро электрон ҳамкорликни кенгайтириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Ички ишлар тизимидаги шу каби янгиликлар билан батафсил танишиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ички

ишлар вазири ўринбосари Нажмиддин ТўРАХУЖАЕВ билан сўхбатлашдик.

— Президентимиз жорий йил 3 май куни Ички ишлар вазириликда бўлиб, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, жамиятда барқарорликни сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш учун замонавий рақамли технологиялар жорий қилиниши, куч ва воситаларнинг марказлашган бошқарув тизимлари билан танишиш, — дейди Н.Тўрахужаев. — Қайд этиш лозимки, давлатимиз раҳбарининг топшириқларига мувофиқ ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмларини яратиш, соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш борасида қатор устувор йўналишлар белгилаб олинди.

▶ Давоми 3-бетда

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ

РАҚОБАТБАРДОШ
МАҲСУЛОТЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШМАҲАЛЛИЙ САНОАТНИ ВА ШУ ОРҚАЛИ ҲУДУДЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧАДИ

Ички талабни ўрганиш — импортни таҳлил қилиш — ресурс базасини аниқлаш — янги лойиҳалар ишлаб чиқиш. Бу “занжир” асосида маҳаллий ишлаб чиқариш йўлга қўйилган тақдирда муваффақиятлар асло куттириб қўймайди.

Президентимиз Фарғона вилоятига ташрифи чоғида ҳудудларни ривожлантиришда уларнинг ўзига хос хусусиятидан ва аҳоли кўникмаларидан келиб чиқиб иш тутиш, янги иш ўринларини яратишда ички имкониятларни ишга солиш, қайта ишлаш даражасини ва маҳсулотлар турини ошириш, кичик саноат зоналарини ташкил этиш асосида маҳаллий саноатни янада ривожлантириш зарурлигини таъкидлади. Таҳлиллар бу борада имкониятлар кенглигини, уларни ишга солишда саъй-ҳаракатларни жадаллаштириш лозимлигини кўрсатмоқда.



▶ Давоми 4-бетда

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ҲАЁТДАН
РОЗИЛИК ҲИССИИЖТИМОЙ АДОЛАТ БИЛАН
ҚАРОР ТОПАДИ

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами кўллаб-қувватлашнинг аниқ манзилли хусусиятга эга экани ҳар бир муҳтож инсонга, унинг реал эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ёрдам кўрсатиш имконини берапти. Бунда ушбу тоифага мансуб инсонларга алоҳида эътибор қаратилиб, жамиятимизнинг ижтимоий манзараси бутунлай ўзгармоқда.

▶ Давоми 2-бетда



ТАРАДДУД

МАҲАЛЛА
РАИСЛИГИГА САЙЛОВ

Аҳоли келажакка бефарқ эмас

Фарида Зиёдиллаева Янгиернинг Давлатобод маҳалласида яшайди. Айни баҳор кунларида унинг хонадонига маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси ва кўшнилари келди. Бировининг қўлида замонавий тикув машинаси, иккинчисидан бир даста гул. Фариданинг қалби алланечук бўлиб кетди. Турмуш ўртоғи билан ўтган йилларда кўрган қийинчиликлари кўз олдидадан бир-бир ўтди. Мана, субсидия асосида унга замонавий тикув машинаси ажратилиб, оилавий тадбиркорликка шароит яратиб берилмоқда. Хомашё ва буюртмачи ҳам тайёр.

▶ Давоми 2-бетда

ЯНГИ ТИЗИМ — АМАЛДА

СИТУАЦИОН-ТАҲЛИЛИЙ МАРКАЗ:

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ФУҚАРОЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ



Бошланчи 1-бетда

Бунда асосий эътибор жиноят ва ҳодисалар бўйича хабарларни қабул қилиш ва қайд этиш "102" тизими, техник воситаларни бошқаришга мўлжалланган Ягона платформа, Ягона маъмурий амалиёт, Ягона жинойт ҳуқуқий статистика тизимлари, давлат органларининг маълумотлар базасидан фойдаланиш, мутахассис кадрларни тайёрлашда олийгоҳлар билан ҳамкорлик масалаларига қаратилмоқда.

Белгиланган чора-тадбирлар натижасида ички ишлар органларидаги рақамли инфратузилмани ривожлантириш орқали мавжуд тизимлар модернизация қилинди. Шу билан бирга, идоравий ахборот тизимлари ва маълумот базаларининг ўзаро интеграцияси амалга оширилди, ички ишлар органлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларини электрон шаклга ўтказиш, мобиль технологияларни қўллаган ҳолда аҳоли билан электрон ҳамкорлик изчил йўлга қўйилди. Шунингдек, ахборот ва киберхавфсизлиги таъминлаш, маълумотларни хавфсиз узатиш учун корпоратив тармоғини яратиш ҳамда маълумотларни қайта ишлаш ва сақлаш марказини ривожлантириш босқичма-босқич давом эттирилмоқда. Жумладан, ахборот технологияларни жорий этиш ва рақамлаштириш ҳисобига ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқариш амалиётини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Ситуацион-таҳлилий марказ барпо этилди.

— Бугун фуқароларимизни шу марказ фаолияти қизиқтирапти. У қай тарзда ишлайди, жамиятга қандай фойдаси тегади, деган саволлар кўп берилмоқда. Шу боис, янги марказнинг стратегик вазифалари тўғрисида батафсил маълумот берсангиз.

— Мазкур марказ ягона ахборот маконида маълумотларни қайта ишлаш, кримноген вазиятни автоматик баҳолаш, муаммоларни таҳлиллаш, бошқарув қарорларини қабул қилиш, вазият мураккаблашганда ҳуқуқ-тартибот идораларининг ҳамкорлигидаги фаолиятини таъминлашга хизмат қилади.

Марказнинг асосий оператив имкониятлари ҳам кўп. Булар сирасига ягона ахборот платформада ахборот ресурсларини юритиш, давлат органлари, маҳаллий ҳокимият, ҳуқуқ-тартибот идоралари, бошқа шохлиқчи ва махсус хизматлар ўртасида уйғунлашган ахборот ҳамкорлигини таъминлаш, "102", мониторинг тизимлари, видеокузатув камералари, интернет ва бошқа манбалардан келиб тушаётган ахборотларни автоматлаштирилган ҳолда йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш кирди. Шунингдек, шахсларнинг юз қиёфаси ва транспорт воситаси давлат рақами белгиси бўйича тезкор идентификациялаш, қидирув ишларини, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш этиш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарларга тезкор жавоб беришда куч ва воситаларни бошқариш, ахборот ресурсларидан фойдаланишда ва ягона ахборот маконига интеграция қилишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳам марказнинг муҳим афзалликларидан саналади.

Шу билан бирга, марказнинг ахборот-таҳлилий таъминоти тизимини таркибий сегментлари ҳам фаолиятимизда янги чамаласун касб этади. Айтилик, "102" автоматлаштирилган тизими. Бу тизим орқали "102" рақамига берилган хабарларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш, уларнинг ҳисобини мониторинг қилиш, куч ва воситаларни бошқариш имконини берувчи яхлит аппарат-дастурий таъминоти мажмуи такомиллашади. "E-mailing ish" тизими орқали эса ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳолат юзасидан маъмурий иш

ҳужжатларини электрон тарзда расмийлаштириш ва шакллантиришнинг ягона марказлаштирилган электрон механизми ишга тушади. "Худуд назорати" тизими ҳам жуда муҳим. Бунда муайян ҳудуд тезкор вазиятини, кузатиб бориладиган объектлар, ҳодисалар ва жараёнларни комплекс мониторинг қилиш, шахс психологик портрети асосида куч-воситаларни манзилли бошқариш, қидирув ва идентификация ишларини автоматик бажарадиган дастурий модуль ишлаб бошлайди.

Марказда ташкил этилган автоматлаштирилган иш ўринлари ёрдамида ички ишлар органлари, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот ҳамда шохлиқчи хизматларнинг куч-воситалари мувофиқлаштирилади, мониторинг ва тезкор ахборот ҳамкорлиги таъминланади.

Хусусан, жамоат тартибини ва хавфсизлигини таъминлашга жалб қилинган ички ишлар органлари ва миллий гвардия бўлинмаларининг хизмат ўташ жараёни тўлиқ электрон назорат қилинади. "102" тизими доирасида қабул қилинган хабарлар планшетлар орқали куч ва воситаларга тезкор етказилиши таъминланади ва аҳолига манзилли ёрдам кўрсатилади.



Видеокузатув камералари, ахборот ва мониторинг тизимлари орқали кримноген вазият динамика таҳлил қилинади, сунъий интеллект ёрдамида прогноزلаш ва моделлаштириш асосида ҳуқуқ-тартибот ва жиноятчилик ҳолати юзасидан маълумотлар ўз вақтида тўлиқ ва объектив қайта ишланади. Улар асосида жойларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятларни жийловлаш бўйича аниқ бошқарув қарорлар қабул қилишга кўмаклашилади.

Навбатчилик хизматларининг жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги хабарларни ўз вақтида қабул қилиш, рўйхатга олиш, тезкор вазият барқарорлигини таъминлаш ва жиноятларни ўз вақтида очишга тезкорлик билан киришишга қаратилган фаолият яхлит автоматлаштирилди. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлашда ситуацион бошқариш амалиёти йўлга қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, рақамлаштириш ва ахборотлаштириш ҳисобига профилактика хизматининг сифати янги босқичга кўтарилди, хизмат самарадорлиги таъминланади.

Яна бир муҳим жиҳат. Транспорт ва туризм объектларида вазиятни онлайн мониторинг қилиш ва маълумотлар таҳлилини юритиш орқали метрополитен, темир йўл вокзаллари ва аэропортларда ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик ва хавфсизлигини таъминлаш борасида тезкор чоралар кўрилади. Айниқса, бу объектларда фавқулодда ва техноген тусдаги

“ ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИГА КўРА, МИГРАЦИЯ йўналишида 3 ТА, ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ СОҲАСИДА 2 ТА, ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ФАОЛИЯТИДА 18 ТА, ЙҲХ йўналишида 3 ТА, ҲУҚУҚИЙ СТАТИСТИКА йўналишида 1 ТА, ЖАМИ 27 ТА ДАВЛАТ ХИЗМАТИ АНИҚЛАНИБ, УЛАРНИ 2022 йил давомида ЭЛЕКТРОН кўринишга ўТКАЗИШ ЮЗАСИДАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ.



ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича бошқарув мувофиқлаштирилади.

Энг асосийси, марказ жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботга турли таҳдидларни сунъий интеллект ёрдамида прогноزلаш, уларнинг олдини олиш ва тезкор жавоб бериш таъминланади. Шунингдек,

— Бу фикрларингиздан марказ замонавий технологиялар ёрдамида бир пайтнинг ўзига кўплаб вазифаларни амалга ошириши кўриниб турибди. Ўз навбатида, марказни бошқариш, вазифалар ижросини таъминлаш учун кадрлар таъминоти ҳам мутаносиб бўлиши керак. Бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Таъкидлаш жоизки, Ситуацион-таҳлилий марказида юздан ортиқ ахборот тизими ва маълумотлар базаларида мавжуд ахборотлар уйғунлашган ҳолда таҳлил қилиниб, тезкор профилактик тадбирлар самарадорлиги ошишига, сунъий интеллект технологиялари ёрдамида маҳаллалардаги жиноятчиликнинг олдини олишга хизмат қилади. Энг муҳими, қоғозда иш юритиш амалиёти 80 фоизга қисқариб, давлат маблағи иқтисод қилинади.

Тўғри, бу йўналишда кадрлар салоҳияти муҳим ўрин тутди. Шунинг учун автоматлаштирилган иш ўринлари ва сунъий интеллектдан самарали фойдаланиш, ностандарт вазиятларда асосли қарорларни қабул қилиш қобилиятига эга кадрларни шакллантириш борасида

“ Янги Ўзбекистонни барпо этиш даврида алоҳида эътибор фуқароларга давлат хизматларини кўрсатишда ортиқча овозгарчиликнинг олдини олиш, навбат кутиб туриш каби ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида давлат идоралари томонидан аҳолига тақдим этиладиган хизматларни Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатишга қаратилди. Жумладан, ички ишлар органлари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида талаб юқори бўлган 8 турдаги хизмат Давлат хизматлари марказлари томонидан тақдим этилиши йўлга қўйилди.

тезкор вазият мураккаблашганда ёки фавқулодда вазиятлар юзага келганда ҳуқуқ-тартибот ва шохлиқчи хизматлар ўртасида махсус ахборот тизимлари ёрдамида самарали ҳамкорлик ўрнатилди, ўзаро ахборот алмашинуви реал вақт давомчилигида амалга оширилади.

Интеграция ҳисобига ҳудудий ички ишлар органлари ситуацион марказлари, кўча ва жамоат жойларида хизмат олиб бораётган ходимлар функционал вазифаларини бажаришида марказлашган ахборот фонди ва ресурслардан бевосита таҳлилий маълумот олиш ва қайта ишлаш имконияти яратилди.

Шу билан бирга, бошқа давлат органлари, ҳуқуқни муҳофиза қилиш, шохлиқчи хизматларда мавжуд бўлган ва яратилган ахборот тизимлари ягона ахборот платформасига бирлаштирилди. Албатта, Марказнинг таҳлилий таъминот платформаси вақт ва инсон ресурсларини тежашга, харажатларни иқтисод қилишга хизмат қилади.

— Бу борада, идоравий тизимлар самарадорлигини ошириш ҳамда ички ишлар органлари тизимини босқичма-босқич рақамлаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий асослар яратилди. Вазирлик тизимида давлат хизматлари кўрсатиш изчиллик билан такомиллаштирилиб, модернизация қилинмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш даврида алоҳида эътибор фуқароларга давлат хизматларини кўрсатишда ортиқча овозгарчиликнинг олдини олиш, навбат кутиб туриш каби ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида давлат идоралари

раҳбарияти кўрсатмаси асосида тизимда кўрсатилаётган давлат хизматлари алоҳида инвентаризациядан ўтказилди.

Хатлов вазирлигининг давлат хизматлари кўрсатишга масъул барча соҳавий хизматларини қамраб олиб, ўрганиш даврида амалдаги давлат хизматларини соддалаштириш ва коррупциявий омилларни аниқлаш мақсадида аънанавий тарзда кўрсатилаётган ҳар бир давлат хизмати регламенти ва бизнес жараёнлари қайта кўриб чиқилди.

Ўрганиш натижаларига кўра, миграция йўналишида 3 та, жазони ижро этиш соҳасида 2 та, жамоат тартибини сақлаш фаолиятида 18 та, ЙҲХ йўналишида 3 та, ҳуқуқий статистика йўналишида 1 та, жами 27 та давлат хизмати аниқланиб, уларни 2022 йил давомида электрон кўринишга ўтказиш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида ҳайдовчининг йўл-патруль хизмати инспекторига тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлари ёнида бўлмаган тақдирда мазкур ҳужжатлар махсус планшет қурилмаси ёрдамида идентификация ID-картаси орқали текшириш амалиёти жорий этилишини фуқароларимиз илқ кутиб олди.

Бунда ID-картага эга фуқароларга тегишли транспорт воситаси ҳайдовчисидан янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси, транспорт воситасини рўйхатдан ўтказганлик тўғрисидаги, транспорт воситасига эғалик қилиш, эғаси йўқлигида ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар, транспорт воситаси эғасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича сугурта полисини талаб қилиш амалиёти бекор қилинди ва бу борада қонунчиликка тегишли ўзгаришлар киритилди.

Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасида чет давлат фуқароларини юртимизга тақдир қилиш ва руҳсатномани электрон шаклда олиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тасдиқлашни (мансуб ёки мансуб эмас) ҳам Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиш йўлга қўйилди.

Ички ишлар органларида фаолият очиклигини таъминлаш мақсадида замонавий коммуникация имкониятидан кенг фойдаланилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2019 йил 9 апрелдаги "Давлат бошқарувининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида Очиқ маълумотлар порталига 18 турдаги маълумот жойлаштирилиб, фуқаролар улардан ҳеч қандай тўсиқсиз ва бепул фойдаланяпти.

Қайд этиш жоизки, хизмат давомида куч ва воситаларни замонавий ахбо-



рот технологиялари ечимлари орқали бошқариш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини автоматлаштириш масалалари ички ишлар вазирлиги раҳбарияти диққат марказида бўлиб, соҳада рақамлаштириш сифат даражасини янада ошириш ишлари ҳукумат томонидан тузилган "Йўл хариталари" асосида изчил давом эттирилмоқда.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

"Янги Ўзбекистон" муҳбири Лутфулла СУВОНОВ суҳбатлашди.

Алоҳида қайд этиш лозимки, вазирлик

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ

РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ

Бошланиш 1-бетда

Вилоятда маҳаллий саноатни ривожлантириш ва рақобатбардош маҳсулотларни ўзлаштириш борасидаги ишларга шу нуқтаи назардан ёндашилганда қандай манзара намойён бўлади?

— Энг аввало, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш ва турларини кўпайтиришга эътибор кундан-кунга ортиб бораёти. — дейди Фарғона вилояти ҳокимининг маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси Акмалжон Пулатов. — Натижада маҳаллийлашган саноат, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми ошиши баробарида юзлаб янги иш ўрни яратилган. Утган йили вилоятда маҳаллийлаштириш дастури доирасида 116 лойиҳа амалга оширилиб, импорт ўрнини босувчи 969,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Бунинг ҳисобига 89,8 миллион АҚШ доллари миқдоридagi валюта тежалишига эришилган.

Президентимизнинг 2022 йил 25 январдаги “Республикада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, жорий йилда 142 лойиҳа ишга туширилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бир триллион сўмга етказилди. Жумладан, транспорт ва унинг эҳтиёт қисмлари, кимё саноати, электротехника, тўқимачилик, озиқ-овқат, қурилиш материаллари, фармацевтика, металл, чарм-поябзал, машинасозлик ва мебелсозлик йўналишларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш назарда тутилган.

МАҲАЛЛИЙ САНОАТНИ ВА ШУ ОРҚАЛИ ҲУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧАДИ



Истиқболли лойиҳалар, янги маҳсулотлар

“Farg'onaazot” акциядорлик жамиятида 30 турдаги минерал ўғит, кимёвий эритма, аммиак, нитрат кислотаси, суоқ ва газсимон кислоталар, азот, шунингдек, 10 дан ортиқ бошқа кимёвий маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Жорий этилаётган маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги лойиҳалар мавжуд имкониятлар қўламини янада кенгайтиради.

Айни кунда корхонада “Меламин ишлаб чиқаришни ташкил этиш” лойиҳаси бажарилмоқда. Бу ўз навбатида, саноат кластерини ташкил этишга замин ҳозирлайди ва 100 дан ортиқ янги иш ўрни яратилади. У автомобилсозлик, қурилиш, тўқимачилик сингари соҳалар учун жуда зарур ҳомашё-дир. Ламинатланган ДСП ва МДФ, қатламли қоғоз пластиклар, пресс-композиция ва турли идиш-товоллар, лак-бўёқ эритмалар ҳамда меламина-формальдегид қатрон каби импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар турлари кенгайишига йўл очади.

Жамиятда “Корд ва техник матоларни ҳамда полиэфир штапель тола ишлаб чиқаришни ташкил этиш” лойиҳасини амалга оширишга эътибор қилинмоқда. Корхона фойдаланишига топширилган, автомобиль шиналари ишлаб чиқаришда қўлланиладиган, импорт қилинаётган корд ва конвейер тасмалар учун техник матолар, юртимизда кундан-кунга ривожланаётган энгил саноат тармоғи учун полиэфир штапель тола тайёрлана бошланади. Бу жараёнлар 350 дан ортиқ мутахассис-ҳодим томонидан бажарилиши зарур. Бу шунча янги иш ўрни дегани.

— 2025 йилгача мўлжалланган истиқболли дастурлар доирасида мавжуд аммиак, карбамид ва аммиакли селитра қувватларини модернизация қилиш ҳамда азот кислотаси цехини кенгайтириш лойиҳаси бажарилади, — дейди “Farg'onaazot” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Уми-дилло Миллабоев. — Бунинг нати-

жасида маҳсулот тайёрлаш ҳажми янада ортади.

Корхонада кейинги пайтда янги турдаги фосфомочевина минерал ўғитини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Сода цехининг ҳалқ истеъмол моллари бўлин-масида темир III хлоридининг тажриба намунаси яратилди. “NovoFlow-3047” антипишқоқ ўрнини босувчи бу маҳсулот аммиакли селитра ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилади.

Жамият ҳузуридида илмий инновациялар маркази фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ерда кимё саноати ривожига ҳисса қўшиш, тармоқлараро ҳамкорликни йўлга қўйиш, таҳлилий ва илмий-тадқиқот лабораториялари, фунда-ментал тадқиқотлар, маркетинг бўлимлари ва тажриба-эксперимент майдончалари ташкил этилган. Бу кимё саноатини ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш имконини бер-моқда.

“Фарғона вилоятидаги аҳвол шу жиҳатдан таҳлил этилганда, маҳаллий саноат корхоналари томонидан маҳсулот етказиб бериш бўйича умумий қиймати 409,4 миллиард сўмлик 2926 та шартнома расмийлаштирилганлиги маълум бўлди. Бу борада ижро этилган шартномалар миқдори 374,7 миллиард сўмни ташкил этган. Шу боис қолган шартномаларни ҳам ўз вақтида бажаришнинг аниқ чоралари кўриляпти.

“Электрон кооперация” портали қандай манфаат келтиради?



Акмалжон Пулатов. — Маҳсулот сертификатлаштирилмаган бўлса, электрон портал уни қабул қилмайди. Тузилган шартнома муддати бузилса, келишув

бўйича белгиланган устама ҳақ тўланади. Платформада рўйхатдан ўтиш, маҳсулот жойлаштириш ва савдода иштирок этиш мутлақо bepул.

Буюртмани ўз вақтида бажаришдан, биринчи галда, ишлаб чиқарувчиларнинг ўзи манфаатдор. Истеъмолчи маҳсулотини қабул қилиб олгани ҳақидаги хабар электрон маълумот порталига келиб тушган захоти унинг “банк”даги шартномавий сумма ҳисобварақасига ўтади. Тўлов кафолатига келганда, буюртмачи билан тузилган шартнома бўйича келишилган сумма порталга тушмагунча, электрон тизим маҳсулотни етказиб беришга йўл қўймайди.

Портал орқали маҳаллий маҳсулотлар таснифи, сифат кўрсаткичи, бозордаги ҳажми, шунингдек, импорт қилинаётган ва экспортга йўналтирилаётган товарлар хусусида онлайн ахборотга эга бўлиш ҳам тадбиркорлар учун янги имкониятлар эшигини очмоқда.



Айни кезде маҳсулотни ортиқча харид қилиш мумкин. Порталга бирор детал ёки ҳомашё номини киритиши-нигиз билан ишлаб чиқарувчиларнинг ўнлаб таклифлари пайдо бўлади. Бу тадбиркорларга талаб ва таклиф асосидаги электрон хизматни таъминлайди ва коррупцияга йўл қўймайди. Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган йиғилишида “Электрон кооперация” портали орқали тузилган шартномалар ижросини ўз вақтида

таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берилди. Фарғона вилоятидаги аҳвол шу жиҳатдан таҳлил этилганда, маҳаллий саноат корхоналари томонидан маҳсулот етказиб бериш бўйича умумий қиймати 409,4 миллиард сўмлик 2926 та шартнома расмийлаштирилганлиги маълум бўлди. Бу борада ижро этилган шартномалар миқдори 374,7 миллиард сўмни ташкил этган. Шу боис, қолган шартномаларни ҳам ўз вақтида бажаришнинг аниқ чоралари кўриляпти.



Харидоргир маҳсулотлар ва имтиёзлар

“Кўқон” эркин иқтисодий зонаси импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш марказига айланган, десак муболаға бўлмайди. Бу ерда умумий қиймати 315,4 миллион АҚШ долларига тенг 97 та инвестиция лойиҳаси жойлаштирилган. Йил охирига қадар яна 35 та истиқболли лойиҳа ишга туширилиши мўлжалланган.

— Шу кунга қадар фойдаланишга топширилган 62 та саноат корхонаси томонидан 553,3 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, — дейди “Кўқон” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси директори Фарух Раҳмонов. — Бунинг аксар қисми ички ва ташқи бозор учун харидоргир бўлган қурилиш, маиший техника, чарм-поябзал, автомобилсозлик, тўқимачилик, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат саноати каби соҳаларга тааллуқли. Қарийб йигирма миллион долларлик маҳсулот экспортга йўналтирилгани уларнинг рақобат-дошлигини кўрсатади.

Махсус иқтисодий ҳудуддаги лойиҳалар иштирокчилари фойда, ер, мулк ва сув солиғи бўйича имтиёзларга эга. Шунингдек, уларга маҳсулот ишлаб чиқариш ва ўз эҳтиёжлари учун

фойдаланиладиган бутловчи қисмлар, ҳомашё ва материалларни импорт қилганда қўшилган қиймат солиғи ҳамда боғжона боғини фоизлар ҳисобланмаган ва уларнинг тўлаишини таъминлаш талаб этилмаган ҳолда, 120 кунгача муддатта чекитириб (бўлиб-бўлиб) тўлаш ҳуқуқи берилган.

Айни пайтда ҳудуддаги корхоналарнинг 25 турдаги саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалари ҳудудий маҳаллийлаштириш дастуридан ўрин олган. Хусусан, шу йўналишда иш олиб бораётган “Grand Art class” масъулияти чекланган жамияти томонидан маҳаллий ҳомашёлардан тайёрланаётган маҳсулотларга талаб юқори. Малакали мутахассислар бозор талаб ва таклифларидан келиб чиқиб сифатли ва бежирим буюмлар тайёрлашга эътибор қаратмоқда.

— Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 25 миллион АҚШ доллари қийматидаги 5 та лойиҳа бўйича иш олиб бораёти, — дейди корхона раҳбари Содикжон Солиев. — Сунъий чарм, нотўқима маҳсулотлар, по-йабзал учун таглик ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Марказий Осиёда ягона

Марғилон шаҳрида “Uzwoolentex” Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси ишга тушгани юртимиз тўқимачилик саноати ривожига янги бошқича бошлаб берди.

Корхонада жун калава-ип асосида йилга 2 миллион погонметр жун аралашмалли мато ишлаб чиқарилмоқда. Бу матолар, асосан, ҳарбийлар, аэропорт, меҳмонхона ва бошқа хизматлар ходимлари учун кийим тайёрлашда қўл келади.

— Халқаро сифат стандарти асосидаги маҳсулотларимиз ички бозор эҳтиёжини тўлиқ қоплайди, — дейди корхона бош менежери Шавкат Собиров. — Бундан ташқари, қўшни давлатларга ҳам экспорт қиляпмиз. Шу пайтга қадар Марказий Осиёдаги турдош корхоналарнинг аксарияти жун аралашмалли матони Хитойдан харид қилган. Инновацион технологиялар ва уни бошқараётган малакали кадрлар томонидан янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилиб, юзлаб янги иш ўрни яратилди.

“Uzwoolentex” мато тўқишда фойдаланиладиган калава-ипни корхонанинг ўзида ишлаб чиқариш қувватини ҳам ишга туширди. Умумий қиймати 6 миллион доллардан зиёд бўлган лойиҳа йилга 840 тонна калава-ипни тайёрлаш имконини беради.

“Winchemical” Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси МДҲда ягона. Деворбоп декоратив қопламалар нам ва сув ўтказмаслик,

энергиятежамкор хусусиятлари билан ажралиб туради. Корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати бир миллион погонметр.

— Маҳсулотларимиз ички ва ташқи бозорда харидоргир, — дейди вилоят истиқболли ривожлантириш ва инвестициялар бошқармаси

бошлиғи ўринбосари Абдоржон Ҳожиболаев. — Айни кунда деворбоп декоратив қопламаларни Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Россия Федерациясига экспорт қиляпмиз. Мақсадимиз ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, турларини кўпайтириш ва янги иш ўринларини яратиш.



Иқтисодий тежамкорлик самараси

Маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги янги лойиҳалар “Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖга йилга 40 миллиард сўмдан ортиқ маблағни иқтисод қилиш имконини берапти. Хўш, бундай тежамкорликка қандай эришилди?

— Масалан, электр узатиш тармоқларини модернизация қилиш ва янгиларини қуришда кўтарма маҳаллий ҳомашёлардан тайёрланаётган изоляцияланган симлардан фойдаланилади, — дейди жамиятнинг иқтисодиёт ва истиқболлаш бўлими бошлиғи Икромжон Мадумаров. — Янги технология 6 хил ўлчамга эга бўлган мазуқ маҳсулот учун арматуралар тайёрлаб беради. Натижада маҳсулот таннари қамайди. Агар ЭС-1500 русумли маҳсулот ташқи бозорда 20 минг 700 сўм бўлса, корхонада уни тайёрлашга 12 минг 724

сўм сарфланади. Натижада йилга 1 миллиард 200 миллион сўмдан ортиқ маблағ тежаб қолинмоқда.

Жамиятда қиймати 601 миллион сўм бўлган лойиҳа доирасида бетон таянчлар ишлаб чиқариш цехи ҳам ташкил этилган. Бунинг натижасида ортиқча сарф-харажатлар қамайди. Темир-бетон таянчларни ўзаро мустаҳкамлаш ва сим осилиш учун қўлланиладиган металл конструкциялар шу кунга қадар Намангандан сотиб олинган. Энди бунга ҳожат қолмади. Янги цехда тайёрланадиган металл конструкциялар таннархи бошқа корхоналарникидан биринчунча арзон. Масалан, бир донна ОГ-2 тарверсини ишлаб чиқариш таннархи 87 минг 813 сўмни ташкил қилади. Авваллари эса бу маҳсулот 231 минг сўмдан харид қилинган. Янги лойиҳа ишга туширилиши туфайли

лар билан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида “маҳсулотбай” кооперацияни йўлга қўйиш, маҳаллий корхоналарнинг янги рақобат муҳитига мослашишни тезлаштириш учун илм ва инновациядан кенг фойдаланиш, янги бозорларга кириш учун маҳаллий саноатга халқаро стандартларни кенг жорий қилиш каби долзарб вазифаларни бажариш зарур. Ушбу чора-тадбирлар ўз вақтида амалга оширилиши рақобатбардош маҳсулотларнинг энг замонавий турларини ўзлаштириш ва янги иш ўринлари кўпайишига кенг йўл очади.

Расулжон КАМОЛОВ, Абдурауф ҚОРЖОВОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбирлари

